

Тўра Сулаймон

# АЛҲАЗАР



Сатирик шеърлар, ҳажвиялар

Тошкент — 1976



«Нега бўйнинг қийшиқ?» дея берилган саволга туя «Қаерим тўғри?» деб жавоб берган экан. Шу шекилли ўзи қийшиқ бўлмаса ҳам ичаги бугри, ўзи тўғри ўтирса ҳам эгри сўзлайдиган кимсалар орамизда онда-сонда бўлса ҳам учраб туради.

Ўз танамизни ўзимиз соч, соқол, тирноқ сингари қурсурлардан вақти-вақти билан тозалаб турамыз. Акс ҳолда ўзлик ўзимизни уятга қўйган бўлардик. Шу сабабдан ҳам кези келганда кўзи сўқир бўлмаса ҳам кўкраги сўқир ҳалигидай кимсаларнинг оғзига уриб турмасак гулзорни алаф босиши турган гап.

Назмдан, насрдан иборат бу ҳажвияларимни тўп-лам ҳолида китобхонлар ҳукмига ҳавола этаётганим — гулзорни алафлардан тозалашдек эзгу ниятга тутинаётганим.

**Тўра СУЛАЙМОН.**

## СЕН СҮРАМА, МЕН АЙТМАЙ...

Шоюсуф шер тўй берди неча йил тайёрланиб —  
Тузоқ кўйиб тийинга, еб-ичмоқдан зорланиб,  
Бемаврид меҳмон келса кутмоқдан озорланиб,  
Наф тегмас фойдаси йўқ дўстидан безорланиб.

Тутди маҳалла-кўйни қўшкарнай, сурнай саси,  
Саёқ созандаларнинг ортиқча даҳмазаси.  
Тилга тушган хонанда сўлкавой овораси —  
Юғрилган-да, пул билан бу зотнинг зуваласи.

Юз кетидан юз отиб қизийди шароббозлик,  
Серишва раққосага пинҳоний ишқибозлик.  
Бадмастлар орасида гузарой — тарафбозлик,  
Исроф устига исроф тўйхонага «жонбозлик».

Ош кетидан қовурдоқ давом этар тонггача,  
Алҳазар, тўй тартиби на эски, на янгича.  
Тўй эгаси чўт қилса, туздан тортиб унгача,  
Қарзга ботмиш, кўргулик, эғнидаги тўнгача.

Гар боқсанг тўйхонанинг ичи ила тошига,  
Таппи, тезак чапланмиш молхона ёнбошига.  
Бу атрофда турганнинг тасанно бардошига...  
Кунлар ўтиб Шоюсуф дард ёрар сирдошига:

Сен сўрама, мен айтмай, бу тўй машмашасини,  
Қанча-қанча сорупо, тўнбоғ томошасини.  
Тўёна берганларнинг таъна, хархашасини,  
Шундай кунда синаркан одамзод, ошнасини.

Ҳолин билмаган — ҳалак, тутилар ёмғир, дўлга,  
Кетган лак-лак пулларга олса бўларди «Волга».  
«Волга» тугил арава тушмас энди бу қўлга —  
Чираниб ош бермоқлик аҳмоқлик экан элга.

Айтмагил бир кимсага бу кўргулик ҳолимни:  
Сирти ялтироқ ичи қалтироқ аҳволимни,  
Тикдим «Суннат тўйи»га бисотдаги молимни,  
Ҳатто пуллаб боғдаги терак, новда толимни.

Мол топгунча ҳисоб топ, деганлари ҳақ экан,  
Гар уйингда ҳаловат бўлмаса чатоқ экан.





Бедов от туёғидан тайриларми!  
Мард йигит тўғри йўлдан қайриларми?  
Номуси, орияти бор йигитлар  
Ёри деб туққанидан айриларми!

### АЛҲАЗАР

Маҳаллада ҳурмат, эътиборим бор,  
Кўнгилда на ҳасрат, на ғуборим бор.  
Надомат бўлсинким, эл-юрт олдида,  
Жиндек хом ишим бор — кирдикорим бор...

Қизимизга келиб не бир совчилар.  
Ширин сўзи билан дил овловчилар.  
Кошки қуда бўлсак сиз билан, дерди,  
Ўзини оқсоқол деб сановчилар.

Қўл солди кўксимга бу галги совчи —  
Қандай шарт қўйсанг ҳам шунга уновчи.  
Давлатманд, топарман, олғир йигитнинг  
Пулига ишониб қиз сўроқловчи.

Қалин масаласи ўнғай ҳал бўлди,  
Қанча мулла червон, қанча мол бўлди.  
Тўй келар оқшоми қизнинг гапидан  
Барча ажабланиб, барча лол бўлди:

— «Ўз севган йигитим, севган ёрим бор,  
Дунёга бергусиз номус, орим бор.  
Қизини палаҳмон тоши деб билган,  
Хўп содда падари-бузрукворим бор.

«Волга» ли йигитнинг адоси бўлиб,  
Молу дунёсининг фидоси бўлиб.  
Савлат, давлатига таъзим этмасман,  
Маъносиз чалғунинг садоси бўлиб.

Элчига ўлим йўқ, тилмочга таъна,  
Қиз ҳолин билгувчи — муштипар она.  
Хуш келиб, кетибсиз қуда холалар,  
Бу гапни кўнгилга олмангиз яна».

Мен тамом бўлгандим ғафлат бандаси,  
Ғафлатмас, балойи нафсининг бандаси.  
Ўз жигаргўшасин сотмоқ истаган  
Одамнинг энг тубан, энг шармандаси.

Тилагим: оталар қиз сотмасинлар,  
Сотиб, эл нафратин уйғотмасинлар.  
Азиз давримизга иснод келтириб,  
Эски жароҳатни қўзғатмасинлар.

## **ҲИММАТ СИЗДАН, ҚҶШИҚ БИЗДАН...**

(Саёқ созандалар тилидан)

**Тўю базми бизсиз ўтмас, ҳойнаҳой, деб шошиб келдик,  
Тунни тонгга улаймиз деб неча қирлар ошиб келдик.  
Нафс йўлида пала-партиш куйни куйга қўшиб келдик,  
Миси чиққан лапарлардан эшитгайсиз жўшиб келдик.  
Ҳиммат сиздан, қўшиқ биздан,  
Чапак сиздан, ўйин биздан.**

**Пул бор ерда бизни дўстлар «хушхонлар»дан деб билгайсиз,  
Сўлкавойнинг нақ кўйига тушганлардан деб билгайсиз,  
Бу борада ҳатто лунжи шишганлардан деб билгайсиз.  
Виждонсиз-мас, хўп ҳаддидан ошганлардан деб билгайсиз  
Чапак сиздан, ўйин биздан.  
Ҳиммат сиздан, қўшиқ биздан.**

**«Қиттак-қиттак» бўлмас экан унда савтдан адашгаймиз,  
«Қистир-қистир» авжга чиқса яхши, йўқса бўшашгаймиз.  
«Суйкалишда» ўнта қўтир эчки бир-ла, беллашгаймиз.  
Ўлжамизни бўлиш пайти биз ўзаро талашгаймиз...  
Ҳиммат сиздан, қўшиқ биздан.  
Чапак сиздан, ўйин биздан.**

**Сизларни деб неча йўлу қишлоқларни юриб келдик,  
Йўл-йўлакай тўй қилганнинг ҳамёнидан «уриб» келдик.  
Омон бўлгур хотамтойлар билан давра куриб келдик,  
Мақом қилсанг жон аямас жўмардларни кўриб келдик.  
Чапак сиздан, ўйин биздан.  
Ҳиммат сиздан қўшиқ биздан**

## ЙҮЛИҚДИМ

(Ота-она орзусига кўра, кўрмай-синамай  
уйланган бир куёвнинг тўйдан кейинги ҳасрати)

Чўп тушар аяган кўзга, ёронлар,  
Бўз ямоғи мудом бўзга, ёронлар.  
Ёмоннинг қилиғи ўзга, ёронлар,  
Айби йўқ айтганнинг юзга, ёронлар:  
Эр етиб бир «хумор кўз»га йўлиқдим.

Жон роҳати экан юзнинг қалини:  
Кўралаб қўй бўлди қизнинг қалини.  
Биз бунда доғ кўрмай ёр жамолини...  
Энди кўринг куёв тўра ҳолини:  
Мақтовни «қизмисан-қиз»га йўлиқдим.

Расми-русмини кўриб кўнглим ғаш бўлди,  
«Кампир ўлди» бўлди, «Кампир ёш бўлди»—  
Кўзга сурма тортиб «қора қош» бўлди,  
«Юз очар» маҳали сири фош бўлди...  
Оқибат бир «қалам қош»га йўлиқдим.

Улфатинг шўх бўлса — кўнглим чоғлиги,  
Умрининг заволи — дилнинг доғлиги.  
Жон малҳами, дерлар, сўзнинг илиғи,  
Муздан совуқ келди «жонон» қилиғи —  
Ез туриб, қаҳратон қишга йўлиқдим.

Буюрсам анқони отиб кел, деган,  
Хотин керак бўлса, топиб кел, деган.  
Сафарда соғинсанг чопиб кел, деган,  
Жоним деб гапу сўз қотиб кел, деган,  
Тургани, битгани «ноз»га йўлиқдим.

Холимдан кулади неча-нечалар...  
Бир йилча туюлар ўтган кечалар.  
Ҳар куни хунобда янга-чечалар...  
Жумбоқни бошидан ўтган ечолар!  
Дўстларо, шу тақлид розга йўлиқдим.

## ИЧДИМ АРМОНИМ ҚОЛМАДИ

Ароқ ичдим маст бўлдим, ҳей,  
Чўпу хасдан паст бўлдим, ҳей.





Йўл-йўриги йўқларга, ҳей,  
Ҳамнафас, ҳамдаст бўлдим, ҳей,  
Кўнглига пайваст бўлдим, ҳей,  
Бўлдим, армоним қолмади.

Бошда юзта-юзта бўлди,  
Дил шунга пайваста бўлди.  
Юз кетидан каминанинг  
Ўрни пойгак — пастда бўлди.  
Номим пианиста бўлди.  
Бўлди, армоним қолмади.

Дўст, шерикларим алкашлар  
Юрганда йўли чалкашлар  
«Ким билан ким топишади!»  
Деб кулишар ҳазилкашлар  
Давом эъади ичишлар,  
Ичдим, армоним қолмади.

Тинмай ичиб ишдан чиқдим,  
Кўйлак билан қишдан чиқдим.  
Оздим-тўздим — эшик турган  
Жойларда тирқишдан чиқдим.  
Баъзан муюлишдан чиқдим,  
Чиқдим, армоним қолмади.

Рўзгоримдан тўзим кетди,  
Қўрадан қўй-қўзим кетди.  
Бу кулфатга чидай олмай  
Ташлаб сарвинозим кетди,  
Қўлдан ўрдак, ғозим кетди.  
Кетди, армоним қолмади.

Бевақт сочга ҳам оқ тушди,  
Қолган кунга ўроқ тушди.  
Бирон орзу-ҳавас кўрмай  
Эгни-бошга ямоқ тушди,  
Тушса ҳам бесаноқ тушди,  
Тушди, армоним қолмади.

## ТАШЛАДИМ

Ичдим, чекдим, оқибат, ақлдан озар бўлдим:  
Кези келганда, рости, бир тийинга зор бўлдим.  
Дўппи ямоқ, дил ямоқ элда беназар бўлдим.  
Алҳол, бир ҳол, афтода кунни ўтказар бўлдим,  
Ташлагандан ташладим ичиб, чекмоқларингни.

Ўз боламдай бағримга босар бўлдим шишани,  
Аёқ яланг, бош яланг — унутдим андишани.  
Тўю томошаларда кўрсатдим томошани.  
Қилмиш, қидирмишим бу — шўр этдим пешонани,  
Ташлагандан ташладим чекиб, ичмоқларингни.

Қайга борсам дуд билан тўлди гулдай хоналар,  
Чораси йўқ: мезбонлар чор-ночор парвоналар.  
Менсиз обод бўлмади коньяк-пивнойхоналар,  
Эзгуликни эл каби қилмадим таманнолар.  
Ташлагандан ташладим ичиб, чекмоқларингни.

Бора-бора улфатлар ташлаб қочар ҳам бўлди,  
Каминангиз бедаво дардга дучор ҳам бўлди.  
Тўйхатлардан тамоми номи учар ҳам бўлди,  
Қирққа етмай қомат пол-хиёл ночор ҳам бўлди,  
Ташлагандан ташладим чекиб, ичмоқларингни.

Бир қўлимда сигара, бир қўлда ароқ билан,  
Қайга борсам аёқда, сўнг қайтдим тайёқ билан.  
Яқин қолиб, тутиндим насли нарироқ билан...  
Қайларга бордим тўғри йўл туриб сўқмоқ билан...  
Ташлагандан ташладим ичиб, чекмоқларингни.

Ичдим, чекдим армонсиз, қилдим армон, оқибат,  
Соғ ё носоғлигимга қилдим гумон, оқибат,  
Ҳар икковини ташлаб топдим омон, оқибат.  
Ранги-рўйимга, дўстлар, югурди қон, оқибат.  
Ташлагандан ташладим чекиб, ичмоқларингни.

## ОЙКУМУШ

### Айрим «Тўйхат»ларга ўхшатма

Ойкумуш опанинг исми жисмига монанд. У кишининг ота-онаси, қизимиз ойдек кўркем бўлсин, кумушдай занглаш нималигини билмай ўссин, деб ўз суюкли фарзандларига Ойкумуш деб ном қўйишади. Бу исмни миттигина қизчанинг қулоғига сўфи деган совуқ зот азон айтиб қўймаганлиги хусусан диққатга сазовордир.

Ойкумуш опа уч-тўрт ёшга кирган чоғидаёқ ўз маҳалласида истиқомат қилувчи бир этак болалардан тамоман ажралиб турар эди. Табиати нозик бўлгани учун ҳам болачалар билан «Эшак минди» ўйнашдан ўзини тортар, бундан бошқа қалтис ўйин чоғларида эса ўзини гоят эҳтиёт қилар, энг муҳими, айрим бефаҳм болачалар сингари этагини ҳечам кўтариб юрмас эди.

Ойкумуш опа ўрта мактабга қадам қўйиши билан мўйлави энди сабза урган йигитчаларнинг эътиборини ўзига тортди. Қизнинг бутун хаёли куйиб-пишиб дарс ўтаётган ўқитувчида бўлса, айрим суғаноқ ўғил болаларнинг нигоҳи Ойкумушга қаратилган бўларди. Буни Ойкумуш билиб билмасликка оларди. Ойкумуш опанинг ўқишга бўлган ҳаваси ҳадемай ўз самарасини кўрсатди. Гап-сўзга чалинмайгина ўрта мактабни муваффақиятли тамомлади. Шахсан Ойкумуш опага муҳаббат изҳор қилиб юрган айрим ўғил болалар, ҳатто ўқувчисини кўз остига босиб қўйган баъзи муаллимлар доғда қолаберди.

Ўрта мактаб партасидаёқ қалдирғоч шеърлари деворий ҳамда маҳаллий матбуот саҳифаларида кўриниш бериб турган Ойкумуш опанинг ҳаётида қувончли ҳодиса рўй берди: у киши редакцияда ишлашга таклиф этилди. Кечагина ўқувчи бўлиб юрган қиз бугун матбуот ходими, катта коллективнинг дилбар бир аъзоси! Шу-шу Ойкумуш опанинг иши юришиб кетди. Ўзи истиқболига ишонган Ойкумуш опа ўқув юртига кириш зарурлигини ҳам ўз вақтида пайқаб қолди. Йиллар кетидан йиллар ўтди. У киши институтни сиртдан тамомлади. Ҳам ишлаб, ҳам ўқиш, ниҳоят, олий ўқув юртини тамомлаш — қандай шарафли!

Ойкумуш опа бир неча шеърӣ тўпламларнинг автори ҳамдир. Шўх болалар томонидан, Ойкумуш, дея айтиладиган ашула тексти ҳам, бўйга тўлай, бўйга тўлай деб турган қизчалар томонидан айтиладиган:

Шоҳи кўйлак деганим,  
Кўнглим сизда деганим,

дея хиргойи қилинадиган қўшиқлар ҳам Ойкумуш опанинг илк ижодларига мансуб. Энг муҳими «Меҳнатдан келса бойлик — турмуш бўлар чиройлик», «Ваъда вафоси билан», «Меҳнат қилиб топганинг — қанду асал тотганинг», «Қўл — дил хизматкори» сингари ҳикматомуз иборалар ҳам Ойкумуш опа томонидан ижод этилган. Турган-битгани мантиққа, маънога кон бўлган бу мақоломуз гапларни келажаги порлоқ, истеъдодли ёш журналистлар ўз вақтида пайқаб қолишиб қўл-қўл қилиб кетишганлиги ва шу-шу бу иборалар изланувчан журналистларнинг тилидан ҳамон тушмай келаетганлиги алоҳида мақтовга лойиқдир. Сигирнинг сути тилидами ёки елинидами? Бу муаммони ҳам Ойкумуш опа биринчи бўлиб газета саҳифаларида узил-кесил ҳал қилиб берганлардан. Бир неча йилдан бери матбуот соҳасида жавлон уриб ишлаётган Ойкумуш опанинг кўксига бир талай нишонлар порлаб ҳуснига ҳусн қўшиб турибди.

Ойкумуш опа район аҳамиятига эга бўлган жонкуяр журналист, область аҳамиятига молик шоира бўлиш билан бирга қишлоқ аҳамиятига молик бўлган муносиб уй бекаси ҳамдир.

Хусусан шуниси диққатга сазоворки, Ойкумуш опа, қўшалок умрининг маъноси на соз, деган машойиқона гапга амал қилиб Туробжон амаки ила бир ёстиққа муваффақият билан бош қўйганлардан. Ҳозирги кунда Ойкумуш опа беш боланинг онаси. Тўнғич ўғли Тўлқинбой ота касбига меҳр қўйган механик-ҳайдовчилардан. Кенжатоӣ қизлари Ойлархоннинг кўп мутолаа қилиши ўз опаси сингари билимдон бўлишлигидан далолат бериб турибди. Ойкумуш опанинг турмуш ўртоғи Туробжон амаки ҳали бардам, бақувват. У кишининг лақаблари — чол. Лекин у кишининг хатти-ҳаракатлари ҳечам чолга ўхшамайди. Бу лақабни Туробжон амакининг ҳазилкаш ўртоқлари Ойкумуш опанинг жонига тегиш учун қўйган бўлсалар керак, албатта.

## ПАЛАҚМОН

Қулон зоти йиқилса қулоғига сир айтмас, деган гапни эшитсам гашим келади. Нега деганда қулон деганимиз тўрт оёқли ҳайвон. Мен эса одамман. Одамизодман. Қоқилганда қарашадиган тобут-

каш дўстларим бор. Бошимга иш тушганда сенга ўхшаб дарду ҳасратимни эринмасдан эшитадиган ғамгузарларим бор.

Бошимга иш тушиб турган шундай кунда сендай дўстларимга нега сир айтмас эканман? Нима учун сенингдай кўзга ёвуқ, кўнгилга яқин ҳамдард, ҳамнафасларимдан имдод сўрамас эканман?

Биласан: катта коллективнинг кичик бир аъзосиман. Бошлиғимиз Оллоёр акани ҳам биласан. Туппа-тузук лавозимларда ишлаб келаётган киши. Устида бир гап айланди дегунча лип этиб бошқа ишга ўтиб олади. Ўзидан катталарга хушомад қилиш ҳам, қўл остидагиларни ўзига хушомад қилдириш ҳам қўлидан келади. Бировга яхшилик қилишдан кўра ёмонлик қилишнинг йўлларини ана шу кишидан ўрганса бўлади. Биласанми, Оллоёр ака кимларга яхшилик қилади. У киши ҳақида маҳалла-гузарларда, мажлис-маъракаларда гап кетгудай бўлса кимда-ким:

— Кўп бир муштдан урса ўлдиради. Бир бурдадан берса тўйдиради. Бизларнинг кетимиздан бошлиғимиз еса ебди, ичса ичибди. Боринги, нима номаъқулчилик қилса қилибди,— деб Оллоёр акамнинг аравасига ўтириб жирини жирласа шу кишига қўлидан келган яхшилигини аямайди. Тўй-томоша қилгудай бўлса, кўз кўриб қувонгудай тўёна қўшганлар билан ака-ука тутинади. Қандайдир бир йўллар билан ойлиги оширилади. Байрам кунларида мукофотланади. Қурумсоқлик қилганлар эса аста-секин чўмичдан қисилди. Ходимларидан биронтаси бу кишининг устларидан юқори маҳкамаларга шикоят қилиб боргудай бўлса бас, ҳалиги одамдан гина-кудурат қилган бўлади. Сўнгра ўзини яқин тутиб юриб, бир кун ишини қилади. Пайт пойлаб, ҳали менинг устимдан шикоят қиладиган сенмисан, деб заҳарини солади. Заҳар солганда ҳам ўзи солмайди. Ўзгалар орқали солдиради. Менга ўхшаган жонқуярлари орқали солдиради.

Қандай қилиб, дейсанми? Роса нодон экансан. Оғзингдан бирон ерда гуллаб қўймасанг бу сирдан сени воқиф қиламан. Бунинг сенга ҳам фойдаси бор. Ахир сен ҳам бир идоранинг бошлиғисан. Ўзингга яраша дўстинг бор, душманинг бор. Қандай қилиб шунинг ўрнини эгаллар эканман, деб ичидан зил кетиб юрган рақибларим йўқ деб ўйлайсанми? Шундай деб ўйласанг хато қиласан. Эшитмаганмисан «Бешикдаги боланинг ҳам этагидан тортар душмани бўлади» деб.

Шундай қилиб, мен сенга Оллоёр аканинг айрим сирларини сўзлаб бермоқчийдим. Биласан, сирни очиш осон, сирдош бўлиш қийин. Ул деса ўлиб, тирил деса тирилганингдан сўнг сирдош бўлмай иложи ҳам йўқ-да.

Кейинги вақтларда Оллоёр ака билан муовини — Мавлоновнинг гапи бир-бирига тўғри келмай қолди. Муовини ишбилармон, тилби-

лармон киши. Ёшга ҳам бирдай, кексага ҳам. Ёмон гап билан битадиган ишни яхши гап билан битиради. Ишга эрта келиб кеч қайтади.

Оллоёр акани биласан: ҳаввойитоб, ҳовлиқматоб киши. Саводи ҳам нимчала. Китоб ўқисам юрагим сиқилиб кетади, дейди. Сартарош билан сўйлашсанг устарасини пеш қилар, дегандай у кишининг олдида илму ҳикматдан, одоб-ахлоқдан, камсуқум, камтарликдан гап очадиган бўлсанг бас, амалини рўқач қилиб, дейди:

— Раҳбар жиндай дилозор, қолаберса қаттиққўл бўлиши керак. Маҳрама бошлиғининг кандидат наук бўлиши шарт эмас. Томтом китобларни ўқиб чиқишга вақт йўқ, тоқат ҳам йўқ. Муаллим беозор бўлса синфнинг бозор бўлишини кўр, дегандай идора бошлиғи камтар бўлди — ишхонанинг каптархона бўлишига шак йўқ.

Биласан, ҳозир одамлар яхши гапнинг гадои бўлиб кетган. Оллоёр ака эса сал дағалроқ. Фирибгарликда эса шайтонга дарс беради. Муовини тамоман унинг акси: мулойим, ширинсухан, билимдон. Кўпчилик бора-бора Оллоёр ака бу ёқда қолиб Мовлонов билан муомила қиладиган, ишини шу киши орқали битирадиган бўлиб кетди. Тушки овқатланиш вақтларида Оллоёр акам кабинетида якка махов бўлиб қолиб кетаберади. Муовин бош, бошқалар туташ-турна қатор бўлишиб ошхонанинг бир томонини эгаллашади. Як нафаси ҳаловат — тахти Сулаймон аст, дегандек, ўзлари чақчақлашиб, ўзлари аскиялашиб келишади.

Иззайи мўмин — ҳаром, дейдилар. Уларнинг бошлиқсиз овқатланиб, бошлиқсиз улфатчилик қилишлари ҳақли равишда Оллоёр аканинг нафсониятига тегди. Нега менингсиз юриб, менингсиз турасизлар, дейишга юзи чидамайди. Шундай қилиб булар ўртасида махфиёна жанг кетди. Оллоёр акада Мавлоновга нисбатан адоват пайдо бўлди. Муовин шўрликнинг бу адоватдан хабари йўқ. У ўзича, тўғри юрган кийикнинг кўзидан бўлак ўқи йўқ, деб юрган бўлса керак. Хали ёшда. Даъвогаринг қози бўлса дардингни оллога айт, деган савдолар бошига тушмаган.

Бир куни Оллоёр ака бугун кечга томон бизникига ўт, гап бор, деди. Утдим. Шўрва, шўрва кетидан ош, ош кетидан унош бўлди. Роса отамлашдик. Оғиз-бурун ялашдик. Мен ичимда, бугун бир гап боров, деб ўтирдим. Айтганимча бўлди.

— Уғил боламисан?— деди Оллоёр ака.

— Уғил бола бўлганда қандоқ,— дедим.

— Жигарчилик деган гапга ақлинг етадимми?— деди.

— Етганда қандоқ,— дедим.

— Палақмон тоши бўлишга тоқатинг қандай?— деди.

Бу гапга тушунмагандай бўлдим. Тушунтирди.

— Бўпти. Ёв бўлиб ёқасидан, ит бўлиб этагидан оламан,— дедим.

— Сени туққан онангга раҳмат. Тарбия қилган отангга раҳмат,— деб юрагида борини ўртага тўкиб солди:

— Эртага мажлис бўлишидан хабаринг бордир. Кўриладиган масала бир талай. Мажлис охирида Мавлонов ҳақида гапирасан. Ҳали келганингизга бир йил бўлмай туриб ходимларимиз орасида айирмачилик пайдо бўлди, дейсан. Муовин бўлатуриб секретарь қизга кўнгил қўйишини пасткашликка, барчага бирдай муомала қилишини камтарлик эмас, муғомбирликка йўясан. Ишхонага эрта келиб, кеч кетишингизда бир гап бор, деб қадам олишидан шубҳаланган бўласан. Кўпчилиكنинг у билан бўлиб кетишини, коллективимиз орасидаги меҳру оқибатнинг кўтарилишига боғдайсан.

Мана, нималар ҳақида гапирасан. Хуллас, оғзингга келган гапни қайтармайсан. Товбасига таяйсан. Обрўсини айрондай тўкасан. Оралиқда:

— Сизнинг кўнгилчанлигингизни хокисорлигингизни ўртоқлар суистеъмол қилишяпти. Сиз бундан беҳабарсиз. Беғамсиз. Менимча, сиз, ўзинг тўғри бўлсанг ошингни кўчага қўйиб ич, қабилида иш тутаяпсиз. Афсуски, ҳозир ҳаммани ҳам сизчалик тўғри деб бўлмайди. Ўзингни эҳтиёт қил, қўшнингни ўғри тутма, деб ўтганлар бежиз айтишмаган, деб мени ҳам танқид қилиб қўясан.

Бу билан бир ўқ орқали икки қуённи урган саналасан:

Бири — муовиннинг коллектив орасидаги мавқеини туширган бўласан.

Иккинчиси — бошлиқларни бешафқат танқид қилган киши сифатида коллектив ўртасида обрўйинг ошади.

Мажлис ҳам бўлди. Беайб бир кишига палақмон тоши бўлиб отилдим ҳам. Отилишга отилдим-у, отолмаган сапқон ҳам бошга тегар, ҳам кетга тегар, деган савдо бошимга тушди. Мажлис аҳлининг тўқсон фойизи менга қараб от қўйди. Ўзимни қўйгани жой топмай, қолдим. Бировлар, бундан бу ақл чиқмайди, бу ўргатилган тўти, деса бировлар, бунга ҳам осон тутиб бўлмайди, қандайдир йўллар билан бу ҳам бола-чақасини боқиши керак. Бунинг ўзи кўпдан бери қиладиган, шуғулладиган иши шу. Агар идорада шунақа штат бўлса, бундай штатни бугундан бошлаб қисқартмоқ керак, дейди.

Гап мана шунақа, иним. Оллоёр акам учун оёқ бўлмай оғиз бўламан деб панд едим. Кўпнинг назаридан қолдим. Тўғри кўчадан эгри юрдим. Билмай осмонга тупуриб қўйдим. Тупугим юзимга тушди. Икки шунқор талашса бир қарғага ем тушар, деб ўйлагандим. Бу ўйларим ҳам пучга чиқди. Гапнинг қисқаси: бойқуш кетидан эргашиб вайронага дуч келдим.

Ҳозир ишламаяпман эмас, ишлаяпман. Бироқ бундай ишлаб тирикчилик қилгандан кўра гадойчилик қилган яхши. Коллектив



орасида тариқча ҳурматим қолмади. Лақабим — Палақмон. Эшитганим таъна. Оллоёр акамнинг ҳам кемаси қалқиб турибди. Бироқ у эски қирриқ. Ошна-оғайниси кўп. Яқин кунда ишини ўзгартирса керак. Қийин, қийин, менга қийин. Энди эсим борида этагимни ёганим маъқул, ука.

— Нима қилмоқчисиз?— дейсанми?

— Нима қилардим. Бошқа ишга ўтаман. Сен ҳам катта бир идоранинг раҳбарисан. Менга ўхшаган тўй кунларингда хизматингни қиладиган оғаларингга шундайда яхшилик қилмасанг, қачон яхшилик қиласан? Шундайда ишга олмасанг, қачон ишга оласан? Кўп яхшининг ичида менга ўхшаш битта-яримта ёмон юрса юрибдида.

— Бизда «Палақмон» деган штат йўқ, дейсанми?

— Э, ҳали келиб-келиб дардимни мен сенга айтаяпман-ми? Қулаганда қўллайдиган укаларим, қаторда норларим бор, деб юрганларимдан бири сен бўладиган бўлсанг, сенинг аҳволинг шуми? Ким айтади сени ўқимишли деб? Ким айтади, сени отасининг бола-си деб? Девнинг иши қурбақага тушибди. Ҳали менинг ишим сенга тушиб, куним сенга қолди-ю, сен ноз қилдинг. Ҳали ҳам менинг бахтимга ўша Оллоёр ака омон бўлсин.

## «БОЛА ТУҒДИМ БОШИ ЙЎҚ»...

Бирламчи. Илон аждаҳо бўлиш учун ер тагида қирқ йил ётармиш. Суздан, ҳаводан, энг муҳими, ёруғликдан қирқ йил бенасиб бўлиш — айтишга осон гап. Ер тагида қирқ йил ётди ҳам дейлик. Бир йигит умрига тенг бўлган бу йиллар давомида дунёнинг дунёлигидан бенасиб бўлиб аждаҳо бўлса яхши. Бунинг акси бўлиб ириб-чириб кетса нима бўлади? Дунёда бундан зиёда кўргулик борми? Бу — кўра била туриб, ўлмаи туриб, ўзини ўлимга маҳкум этиш деган гапмасми?

Иккиламчи. Товуқнинг қандай тухум қилиб, қандай курк бўлгани барчага белгили. Мана-ман деган товуқ бир кунда бир марта тухум қилади. Тухум қилиб бўлгандан кейинги айюҳаннос солишлари, бутун бир маҳаллани бошига кўтаришлари,

Бола туғдим боши йўқ,  
Моховлардай қоши йўқ,

дея дод дейишлари ҳам сизу бизга маълум.

Учламчи. Қарға тухумидан энди чиққан палапонига:

— Икки чўқиб бир қара,— деб насиҳат қиларкан.

Ҳали ўзининг босар-тусарини ўнглаб олишга улгурмаган палапони эса унинг олдига шундай саволни кўндаланг қилиб қўяркан:

— Бир чўқиб икки қараса нима бўлади?..

Тўртламчи. Турқи Таравотийнинг аждаҳо эмас ёзувчи бўлгиси келиб қолди. Ҳавас қилса арзигулик ният. Тўғрида, ёзувчи бўлиш қандай яхши нарса. Номингни эл-юрт билади. Қаерда бўлишингдан қатъи назар кишилар сенга ҳавас билан қарашади. Тўй-томоша кезларида сўз ҳам сенга биринчи навбатда берилади. Аввал сени ёш ёзувчи деб атайдилар. Бора-бора ёзувчи деб аташади. Ёзувчи Турқи Таравотий! Қандай яхши! Қани энди шу кунлар тезроқ кела қолсаю Турқи Таравотийнинг орзуси тезроқ ушала қолса!

Тўғри, у ёзувчи бўлишдан олдин шеърлар ёзиб ишни шоирликдан бошлади. Шеърлари деворий газеталарда бир кўриниб бир кўринмай турди. Унингча назм масаласи ҳам ҳал бўлди.

Наср — катта карвон. Энди у ўз қарашларини, ўз кузатишларини ана шу катта карвон йўли билан ифодаламоқчи бўлади. Ишни ҳикоя ёзишдан бошлади. Йўқ, ишни ҳикоя ёзишдан бошламади. Ўзгаларнинг ҳикоясини чалакам-чатти кўчириб, тагига ўзининг имзосини чекиб, редакцияларга йўллашдан бошлади. Ниҳоят, ўз ниятига етди ҳам. Турқи Таравотийнинг ҳикоялари газета-журналларда хиёл вақтгача турна қатор бўлиб чиқиб турди. Ҳамма ҳайрон: Шакли Шамоилий деган ёзувчини билардик. Турқи Таравотий деган ёзувчи қаёқдан пайдо бўлиб қолди. Исмлари ҳам уйқаш. Асарлари ҳам. Бу жумбоқ узоққа чўзилмади. Озиб-ёзиб «ижод» этган ҳикояларининг на боши, на қоши бор эди — палағда эди. Лоқал бир чўқиб икки эмас, икки чўқиб бир қараш хаёлига ҳам келмаган эди. Ўйлаган у шухратлари, обрўлари сароб бўлиб чиққан эди. Унинг бошига битта тухум туғиб қўйиб маҳалла-кўйни бошига кўтарган товўқнинг куни тушган эди.

## ТУҒАНОҚ

(Бир ошнамнинг ғийбат дафтаридан)

## ВОРАҲМАТУЛЛО

Ёмон итнинг оти Бўрибосар бўлармиш. Шу шекилли бу ошнамнинг исми хиёл ваҳимали: Вораҳматулло. Мен бу билан ошнамни ёмон демоқчи эмасман. Яхши. Ҳарқалай савлатдан, саводдан қуруқ қолмаган: қарағай қомат, ЧСБ мактабини тамомлаган. Талай йил омбор мудир, дом котиби лавозимларида ишлаган. Унинг таъбирича бу беш кунлик дунёнинг маъноси еб-ичмоқдан, ётиб-турмоқдан иборат. Мухбирдан ёмон кўрадиган одами йўқ. Бир вақтлари бир мухбир «Туямижоз» деб газетага роса гумбирлатиб урган экан. Шу-шу боянаги лавозимларни ҳам худо кўп кўриб, кун ҳисобчиликка қолади. Буни қўйиб далага чиқиб ишлай деса бўйни ёр бермайди. Ишламай деса рўзғорни тебратиш керак. Бири икки бўладиган, ҳайбатига сал тўғри келадиган ишларнинг энди насиб қилишидан қилмаслиги аниқ. Энди нима қилиш керак?

Вораҳматулло ана шулар ҳақида ўйлайди. Ўйлай-ўйлай шу қарорга келади: амалим ҳисобчилик бўлгани билан ёзув-чизувдан хабарим бор. Оқни қора, қорани оқ деб ёзиш қўлдан келади. Ҳозир нима кўп — еб қўйди, ичиб қўйди кўп. Ошна-оғайнилари кетидан ёғлиқ ишга жойлашиб олиб даврини суриб ётганлар кўп. Ана шулар ҳақида ёзавериб ёзувчи бўлиб кетсам ҳам ажаб эмас. Ана унда мен кўрган кунни бу юрган одамлар кўриб бўлибди. Кел эн-

ди, ўйичининг ўйи битгунча, таваккалчининг иши битибди, дегандай ишни омбор мудирининг кирдикоридан бошлай.

## МОЛТОПАР

Биз омбор мудирини бўлиб ишлаганда тиним нималигини билмасдик. Раис мўйлаб қилиб қўймагунча уйига боришни беодобчилик деб билардик. Одоб юзасидан катталарнинг қош-қовоғига қараб турардик. Баъзи одамларнинг омбор мудирини, колхоз раисининг қазноқ бошидаги хотини-молтопарини деган гаплари кўнгилнинг кўчасига келмасди.

Бу омбор мудирининг таъбига, табиатига тушуниш қийин. Исчиққан ерга оёғи туриб, боши билан боради. Ой куни етиб турган хонимдан ҳам бесаранжом. Бу — ўлгудай баднафслигидан раисни кига кундузи туриб кечаси қатнайди. Раиснинг бошига болиш, оёғига калиш, Раис курортга кетаётганда кўз ёши қилиб қолганини нима деб тушунса бўлади. Тирноққа танқислигини кўп кишилар пушти совуқлигидан дейишади. Шундай бўладиган бўлса, нима учун ўзини табиб-тасканга қаратмайди? Нима учун азиз жойларга сиғинмайди? Ўғилсиз хотин сумаққа тўймас деганларидай, нима учун иморат устига иморат солади? Кимга мерос қолдириш масаласини нега ўйламайди? Бу ҳақда алоҳида текшириш ўтказишларингизни сўрайман.

## МАШОЙИХЛАРДАН ҚОЛГАН ГАП

Раисимиз ўттиздан ошиб, қирқни қоралапти. Менимча, раислик лавозими ёши қирқдан ошган кишиларга муносиб. Ўтган машойиҳлар, эр кишининг ақли қирққа кирганда тўлишади, деб бежиз айтишмаган. Менга ўхшаш колхозга меҳнати сингган кишиларни кўрганда машинадан тушиб, қўл олиши керак. Бу эса саломга алик олганича машинасини лоақал жиндай гидиртмас ёриллаб ўта чиқади. Бу ҳам ёшлигининг, ҳам ўзини тутиб олмаганлигининг аломати.

Хўжаликда хотин-қизлар аралашмаган иш қолмади. Ахир раис ёш бўлганидан кейин ўйнаб-кулгиси келади. Ўшалар билан мажлис-маъракаларга боргиси келади.

Яқинда колхознинг йиллик ҳисобот-сайлов йиғилиши бўлди. Шунда раисни қайта сайлаш овозга қўйилганда тўқсон фойиздан ошиқ одам қўл кўтарди. Қолганлари жим. Шунда шахсан мен ҳам қўл кўтармаганман. Нима учун қўл кўтармаганларнинг фикри билан ҳисоблашмади. Қани бу ерда демократия? Демократиянинг нима эканлигини билмаймиз эмас, биламиз.

Бир куни гапдан-гап чиқиб, машина миниб юрганим билан ўн

машинанинг юки елкамда юради, дейди. Шу ҳақиқатга тўғри келадиган гапми? Шунчалик кучи кўп экан нима учун циркда ишламайди?

Қишлоқда тўй бўлса бас, бошқариб бориш раисга тан. Раис тўйларга ҳам раислик қилсин деган гап қаерда бор? Қайси бир келин-куёв тўйида, қани шу икки ёшнинг бахти-саодати учун ичайлик, дўстлар деб ўзи олдин бошлаб берди. Бу — ичимлик ичишни ташвиқот қилиш эмасми?

Бир мажлисда, ёшлар бизнинг суянган тоғимиз, деб дангал айтди. Нима учун биз ёшларга суянар эканмиз? Нима, қариялар ердан чиқибдими? Яна техника ўнг қўлимиз дейди. Унда чап қўлимиз нима бўлади?

Алҳосил, мен сизлардан ана шу ҳам жиддий, ҳам сиёсий саволларга жавоб кутаман.

## САВОДСИЗ

Мактаб директори Қоражонов ҳақидаги узун қулоқ гапларни сизларга етказмасдан туролмайман. Мактабни бирга тамомлаганмиз. Ҳисобдан нуқул паст баҳо олувчи эди. Она тили ўқитувчимизни эса кўргани кўзи йўқ эди. Қўрслигидан, қўполлигидан, тўмтоқлигидан мактаб деворий газетасида неча бор танқид қилингани кечагидай ёдимда. Шу аҳволда институт деган мактабга қандай кириб, қандай тугатганига ҳайронман? Шундай одамнинг мактаб директори бўлиб ишлаётгани таажжубланарли. Қайси бир ёзувчининг «Адабиёт муаллими» деган ҳикоясини ўқиганим бор. Бу — худди ўшанинг ўзгинаси.

Поранинг кучи билан амалдор бўлиб юрганлигига шубҳа қилган одамни одам санамаса бўлади. Инсоф билан айтганда, бу одам ферма мудирлигига муносиб. Ўзи ҳам сал молфаҳмроқ. Ўқийдиган китоблари нуқул эски дostonлар. Роман деган сўзга тушунса ўлай агар. Ана шунинг учун лақаби — саводсиз. Шундай одамнинг мактаб директори бўлиши отга туянинг жаҳазини урганга ўхшаш гапмасми?

## КҮЧИРМАЧИДАН

Дўстим Вораҳматулло менга:

— Лотин алфавитида битилган ушбу шикоятлармни ҳозирги хат билан бошлаб ёзиб берсанг. Ҳозирги катталар лотинчани билгай, билмагай,— деб қолди. Кўндим. Кўзи сўқир бўлмаса ҳам кўкраги сўқир бўлган бу ўртоғимнинг шикоятлари тегишли маҳкамаларга етиб, текшир-текшир бошланиб қанча одамларнинг вақти бекорга кетма-

син, деган ўй билан ундан олдинроқ сизларга жўнатишни, тирноқ орасидан кир қидириб юрган бу нияти бузуқ ўртоғимнинг афти-башарасини, тўғри йўлда ётган тўғаноқ эканлигини кўпга танитишни лозим топдим. Ҳойнаҳой энди бу ошнам билан ўртамизда арқон узилди бўлса керак. Узилса узилар. Шунга ҳам ота гўри-қозихонами?!

## ОЛТИН ҚАФАС

Ойжамол қишлоғимиздаги қизларнинг олди эди. Ақлли. Одобли. Ифбатли. Икромли. Уқимишли. Бўйга тўлиши билан уни келин қилиш ниятида дарвозаларини тақиллатган ҳам тақиллатди, тақиллатмаган ҳам тақиллатди. Бундай қиз «мажнун»ларининг кимлар бўлиши ҳам ўз-ўзидан маълум. Бири «мен оламан» деса, бири «Йўқ мен оламан» деб бахс боғлашган. «Ойжамолни олмасам отимни бошқа қўйганим бўлсин» деб қасам ичишгаёна бориб етган йигитларнинг номини энди кунда айтиб ўтириш яхши эмасдай.

Енгилтаклик қилиб:

Чуғур-чуғур қалдирғоч, чаманнорингдан,  
Чуғурламай бола оч, чаманнорингдан.  
Кечаси борар бўлдим, чаманнорингдан,  
Ғижирлатмай эшик оч, бўйларингдан

дегувчилар ҳам бўлса бўлгандир.

Ҳарқалай югурганникими, буюрганники дегандай бу қизнинг ишқида куйганлар куйиб, ёнганлар ёниб — оғзига пашша уймалаб қола берди. Қўшиқларда айтилганидай Ойжамол остонаси тилладан уйга келин бўлиб тушди-да кетди...

Ойжамол ҳафтада бўлмаса ҳам ой аро куёви билан келиб турди. Тегларида «Газ-24» маркали сутга чўйгандай «Волга» машинаси.

Ойжамолнинг машинага миниб-тушишлари бирам ярашади, бирам ярашади. Унинг бу юришларига, бу кийинишларига бировлар ҳавас қилса, бировлар ҳасад қилади.

Орадан йил ўтди. Йиллар ўтди. Бора-бора Ойжамол отасиникига кам келадиган, келганда ҳам ҳалигидай салтанат билан эмас, ёлғиз ўзи пойи-пиёда келадиган бўлиб қолди. Ранглари хиёл сўлгандай, ўй-хаёли ҳам паришонхотирроқ. Бўйнида тавқи лаънат бордай. Елкасида қорли, қояли тоғ тургандай.

Ўзини билганлар: «Рўзғорчилик. Гоҳо урушли бўлади. Гоҳо хурушли бўлади. Унингсиз, киши ҳамиша бирдай бўладими?» деган бўлади. Ўзини билиб билмаганлар эса, «Эшикдан оққан сувнинг қадри йўқ. Қишлоғимизда не бир йигитлар туриб, бунинг тушган

жойини қара. Қизнинг ота-онаси куёв бўлмишнинг молу дунёси билан магазинчилигига учди. Унингсиз Ойжамолнинг ўзи ҳам:

Осмонга учар қушман,  
Суяб олинг, беҳушман.  
Асрасанг, тоза асра  
Таги тоза кумушман

деб ўзини кумушдан олиб, кумушга солиб қолган эди. Омон бўл-  
сак ҳали охирини кўрамиз»,— деган бўлади.

Ойжамол билан бизнинг хоним опа-сингил тутинган. Бир-бири-  
нинг яхшилигини кўриб суюнади, ёмонлигини кўриб куюнади. Бо-  
риб-келишлари узоқлашиб кетгудай бўлса хатлашиб-хабарлашиб  
туришади. Буларнинг сирлашиб-ҳасратлашиб туришлари, гапнинг  
тўғриси, менга хуш ёққандай бўлади. Гап Ойжамолнинг сирли-сеҳр-  
ли ҳуснида, эркак зотини олиб бориб-олиб келадиган муомала-  
сида эмас. Одамзоднинг соғи йўқ—сўфининг уйдан чўққанинг  
каллеси чиқибди деган гапни эшитгандирсиз. Шу шекилли гап бир  
вақтлари каминайи камтаринингизни ҳам Ойжамолнинг йўлларига  
гулдан поёндоз тўшаб юрганида...

Ҳақиғина чамандай очилиб юрган хонимнинг тушга келиб қо-  
воғи осилди-қўйди. Сабабини сураштираман. Айтмади. Кўнглини  
овлашга, аврашга тушдим. Одамлар яхши гап билан илон инидан  
чиқарганда, бир хонимнинг қош-қовоғини очиб ололмасак нима  
қилиб юрибмиз. Алҳол, у менга:

— Ойжамолнинг аҳволи чатоқ. Эшик санаган ҳисобми, бешик  
санаган дегандай барибир ўзига қийин бўлади,— деб ундан келган  
хатни менга узатди. Хатда битилган гапларни бир кимсага айтмас-  
лигимни тайинлади. Шартларига кўниб хатни махфиёна ўқишга ту-  
тиндим. Хатда шу гаплар битилган эди:

— Онажон, дардим ёмон,  
Бошимни олиб кетаман.  
Ёр агар шундай бўлса  
Дунёда ёлғиз ўтаман

деган гаплар бошимга тушди. Емоқдан, ичмоқдан, киймоқдан, ки-  
йинмоқдан камим йўқ. Мени худо бошқа томондан қисди. Бун  
ҳозирча биргина Сизга айтаман. Тўғри, мен бошқа бу уйга келин  
бўлиб келганимдан ўзимда йўқ бахтиёр эдим. Юришим салтанатли,  
туришим салтанатли. Кимсан Мамадали магазинчининг уй бекаси де-  
ган номим борлигидан бошим осмонда. Ҳамма менга қараб, менга  
ҳавас қилгандай. Мендан бошқа бахтли уй бекаси йўқдай. Кўнгилга  
сиққан ишни қила билиш қўлимиздан келади. Пул деганингни  
ҳам худди новдай оқиб келиши бор, кетиши йўқ. Биримиз икки





бўлса бўлади, ярти бўлмайди. Ҳовли-жой шоҳона. Тирикчилик шоҳона. Биргина тақинчоқларимнинг ўзини айрим кишилар умр бўйи ишлаб тополмайди. Ёқутдан ёқут, лаълдан лаъл. Гавҳар десанг гавҳар, марварид десанг марварид. Қиз-келиндяклар айтиб бир бора сочларига суртишни орзу қилиб келган ғолия дейсизми, мушки анбар дейсизми. Қўйингчи, бу даргоҳда одамнинг жонидан бўлак ҳамма нарса топилади. Биргина кишининг қадр-қиммати топилмайди.

Тўғри, келин бўлиб тушганимдан сўнг бир йилгача, узоғи билан икки йилгача қадрим ҳам, сифатим ҳам жойида бўлди. Аввалги касбим — кутубхонада ишлаб ҳам юрдим. Кейинчалик буларнинг бешикдаги боласидан тортиб то тўридан гўри яқин бўлиб қолган қари-қартангларигача олган маошимдан, бора-бора ўзимдан куладиган бўлишди. Менинг бир ой ишлаб топадиган пулимни қайнонамнинг ўзи бир кунда топадиган бўлгандан сўнг мендан, топган пулимдан кулмай кимдан кулсин. Улар учун ишлаганимдан кўра бозорма-бозор изғиб юриб чайқовчилик қилганим маъқулдай эди. Сабаби буларнинг эътиқоди пул топиш, пулга сиғиниш, қайси йўл билан бўлмасин бойлик орттириш билан боғлиқ эди. Бошқасини қўйинг, беш вақт номозини қанда қилмайдиган, икки гапни биринда кишининг ёдига қиёмат билан қойимни солиб турадиган қайнотамнинг суйган байти, суянган ғазали шу эди:

Дунё-дунё даркор экан,  
Дунёси йўқлар хор экан.  
Молсиз обрў орттирмоқлик,  
Аё, дўстлар бекор экан.

Қайнонамнинг чоршанба, якшанба кунлари чайқов бозорида йигирма икки сўмлик шол рўмолни уч баробарига, саккиз тепкилик хон атласларни, яна чет мамлакатдан келадиган нима балоларни уч-тўрт баробарига пуллаб турганини кўрасиз. Бугун милициянинг қўлига тушса эртага яна чайқов бозорининг тўрида турганини кўриб ҳайрон бўлмай илож йўқ. Қайинсинглимнинг боши очиқ, бойи худо. Тўрт томони қибла. Эрка десангиз эрка, серка десангиз серка. Юриш-туриши, кийиниши қиз боладан кўра ўғил болага яқинроқ. «Болагинанг шод келди» дегандай санқиб-санқиб кўпинча эл ётганда ўғри мушукдай бўлиб кириб келганини кўпинча мен билман. Қиз бола бошинг билан шу вақтгача нима қилиб юрибсан, деб тергайдиган одамнинг ўзи йўқ. Яқинда ёзган хатингизда:

— Бошқасини қўяберинг. Ўзингиз қалайсиз? Мамадали акам билан муросаларингиз нечук? Нима бўлганда ҳам бор, бадавлат ерга тушганингиздан душманларни билмадим, дўстлар хурсанд,— деб менга ҳам тасалли бермоқчи, ҳам гапга солмоқчи бўлганингизни тушундим. Қуш уясида кўрганини қилади, дейдилар. Шундай бўл-

гандан сўнг молпараст, дунёпараст кишининг киши билан муомаласи қандай бўларди? Қўшнинг карнайчи бўлса қулоқдан умидингни уз дегани шекилли қўйнида ётганингни ўй-хаёли зиён билан фойдада, савдо билан сотиқда, эртага бугундан кўпроқ топишда, иморат устига иморат қуришда, машина устига машина олишда бўлгандан сўнг нафсдан, нафсониятдан, одамгарчилик билан оқибатдан умид узмай бўладими. Ўқимишли кишилар таъбири билан айтганда маърифат, маданият, адабиёт олаmidан бир варакайига узилмай бўладими. Шунинг учун ҳам ё шу аравага ўтириб шу араванинг жирини жирлаш керак бўлади. Ё бўлмаса аравасини ҳам, жирини ҳам бир чеккага йиғиштириб қўйиб, бошқа бир аравага ўтириш керак бўлади. Мана бу гапларни сендан ўзга кишига қай бет, қай юз билан айта олади киши: Ойлаб тўшагимни босмайди. Босганда ҳам шунчалик эрлигини билдириб қўйиш учун босади. Гап тўшакни босган, босмаганида эмас, гап кишини оёқ ости қилишида. Синг-лисига ўхшаб не маҳалларда оғзидан ароқ иси анқиб бир ҳол, афтадоҳол бўлиб келади. На бир ширин сўз, на бир мулойим муомила бор. Худди мен унинг ҳар куни дасталаб пул топиб келишига зор бўлиб, интизор бўлиб ўтиргандай.

Қўни-қўшнилариимизнинг, маҳалла-кўйдагилариимизнинг айримлари аҳволимизга ачинганини кўриб ернинг усти туриб теги билан юргандай бўламан. Қўлиимизнинг узатган ерга етишига, бирни ечиб, иккинчи кийишимизга ҳавас қиладиган айрим кўргансиз кишиларни кўриб одамнинг энсаси қотади. Одамига қараб муомила қилишни, одамига қараб хизмат қилишни, одамига қараб меҳмон кутишни ана шулардан ўрганса бўлади. Фойдаси тегадиган кишиларнинг қилишини артиб қўйишдан ор этмайдилар. Биздан нафратланмоқчи бўлган кишиларни эса оёқ учида кўрсатадилар. Эшак эшакдан қолса қулоғини кесади. Одам одамдан қолса нимасини кесади? Шунинг учун биз маҳалла кўйдагилардан бир поғона баланд бўлишимиз, қандай йўллар билан бўлса ҳам беш-олти қадам олдинда юришимиз керак. Боя айтганимдай баъзи бир узоқни кўрадиган кишилар эса бизнинг баландлигимизни ҳам, олдиндалигимизни ҳам бир тийинга олмайди. Қадамда биздан кулади. Биз эса уларни кўролмасликда айблаймиз. Шундай қилиб биз ёлғиз юриб йўл изламоқдамиз. Йўлиимизнинг охири эса хавфли, хатарли. Олдин кўриб қувонма теги завол биландир, дегандай дарвозалариимизнинг шарақлаб ёпилиб туришлари, енгил машиналарнинг кети узилмай келиб, кети узилмай кетиб туришлари, биз билан борди-келди қилаётган кишиларнинг ҳам очилиб-сочилиб юришлари тегида бир завол ётмаса деб қўрқаман. Ахир, Мамадали акангиз ҳам мен олганча ойлик олади. Биргина бу ойликлар билан бунча дову даскакларни, бунча даҳмазаларни қилиб бўладими. Бунинг устига ҳар йи-

ли курорт. Мен илгари соғлиги нари-бери бўлган кишилар курортга боради деб ўйлардим. Пули бор кишилар учун ҳар қандай курортнинг эшиги очиқ эканлигини энди тушунмоқдаман. Бир бориб-келишининг ўзига камида минг сўм кетади. Бу пулларнинг қаёқдан келаётганига ҳар қандай аҳмоқ одамнинг ҳам ақли етади.

Бу гаплардан ота-онам ҳам хабардор. Бироқ ўзимни фаришта санаб қайтиб боришимнинг улар учун нима қизиғи бор. Менинг учун эса бугун олтин қафасда яшаб, эртага армонда қолгандан кўра кўримсиз бўлса ҳам ўзимизнинг кулба минг марта маъқулдай. Шуларни ўйлаб ўйимга етмайман. Кўпинча ёлғиз юриб йўл излагандан, кўпдан айрилиб охири ё кўчада, ё кўмувсиз қолгандан кўра минбаъд кўп билан бўлиб адашган яхши, деган қарорга келган бўламан. Шу ўйимнинг ҳадемай қарор топишига кўзим етиб турибди. Эндиги тақдиримни олтин қафас билан боғлашга тоқатим йўқ.

\* \* \*

Орадан ой ўтмай Ойжамол отасиникига келиб қолди. Унинг нима учун келганини ҳозирча биргина хоним билади, биргина мен биламан. Унинг кетидан кун аро «ГАЗ-24» ҳам келиб турибди. Бироқ ўзи келиб, ўзи кетиб турибди. Бизнингча, беҳуда келиб, беҳуда кетиб ҳам турибди.

## ТОПҚИР ЭДИМ — ТОПТАЛИБ ҚОЛМАЙ

[арзу ҳол]

Соғинсам соғинадиган, суянсам суянадиган иним Суюнбойга етиб маълум ва маъбул бўлсинким, мен бир вақтлари сир бор ерда сирлашиб, кўр бор ерда кўрлашиб юрадиган жондай қўшнингиз Қўлниёздурман. Кўрмаганимизга, кўришмаганимизга ҳам анча бўлди. Тақдир экан. Йўлимиз айри тушди. Йўригимиз айри тушди. Сиз кўтарилиб кетдингиз, Эл танидингиз, Элга танилдингиз. Мен ҳали, сир бор ерда сирлашиб юрадиган қўшнингизман, дедим. Бу ҳаддим сиққанидан айтганим.

Сиз билан қўшни бўлиб ўтирганимиз, қолаверса бир жойда ишлашганимиз кўп жиҳатдан менга қўл келиб туради. Айниқса, у бир йили бизникига келиб кетганингиздан сўнг, менга елкасидан қараб юрганларнинг нафаси ичига тушиб кетди.

Биласиз. Айрим одамлар қизиқ. Бор бўлсанг кўролмайдди. Йўқ бўлсанг беролмайдди. Мен эса ўзимни ўтга уриб бўлса ҳам, сувга уриб бўлса ҳам бирни икки қилишнинг пайида бўламан. Бу ишларим, бу қилмишларим учун айрим кишилар мандан кулади. Сен-

дан ҳаракат, мендан баракат, деган гапнинг маъносига тушуниб етмаганлари учун мен улардан куламан.

Ҳайдар Али исмли кўшнимиз газетда ишлайди. Ҳар куни эрталаб бир қўлтиқ қоғоз билан ишхонасига кетиб, бир қўлтиқ қоғоз билан уйига келади. Савлат, салтанат деганинг зўр. Бироқ бирон марта элга ош бериб, эшигининг олдида карнай устига сурнай чалдирганини эслай олмайман. Илоннинг боласи илон дегандай, болаларининг кўлидан ҳам китоб-дафтар аримайди. Уқишда ҳам, ёзишда ҳам мактабда булардан ўтадиган бола йўқ эмиш. Бироқ бола тарбиясини бойлик орттириш билан боғлаб олиб бормаган кишиларнинг ҳол-аҳволини кўз олдимга келтира билмайман. Бундай масалаларда мен улардан кулсам, уялмай-нетмай улар мендан кулишади.

Маҳалламизда бир дўхтир ҳам истиқомат қилади. Кўча-кўйда кўргудай бўлсангиз усти оқ. Уйига боргудай бўлсангиз уйи ҳам оқ. Гард кўнмаган. Кўндирмайди ҳам. Нархини суриштириб келгудай бўлсангиз, уйи оқ бўлиши билан бирга қоқ ҳам. Ўлгудай куриқ. Бирон марта жўра-йўлдошлари билан чойхонанинг тўрини эгаллаб, ош заказ бериб қўйиб, машат қилиб ўтирганини кўрганимиз йўқ. Билмадим, булар — хотини икковлашиб топган пулларини нима қилишади. Эрталаб ишга боргудай бўлса, бекатда автобуснинг келишини сарғайиб кутиб ўтиргани ўтирган. Ўтган машинага қўл кўтариб қолганини кўрсангиз... Тўхтаса яхши. Тўхтамаса... Дўхтир эмиш яна. Ука, одам дунёга бир марта келади. Машина деганининг люкисидан бўлмаса ҳам простойроғидан олиб, ишга миниб. бориб, миниб келиб юрмайсизми? Керак бўлса-бўлмаса эшик олдига машина деганни қантариб қўйганга не етсин. Уйнинг ярашиғи. Йигитнинг ярашиғи. Бунинг устига душман кўзи. Вақт топиб бундоқ ёнгангизга қора кўзлардан бирини ўтқазиб олиб, сайри-саёҳат қилиб юрганга не етсин... Ким айтади сизларни ёш деб, мен ундан кулгудай бўлсам, у мендан кулган бўлади.

Биласиз. Ким кўп. Яшашни билмайдиган бундай одамлар кўп. Менга деса бири ўлиб, бири қолмайдими? Албатта одам захрини одам кўтаради, дегандай, мен бу гапларни кўнглим тортиб сизгә айтаяпман.

Қайси куни ўша газитчи кўшнимиз билан қандай қилиб яшаш, қандай қилиб ёшариш хусусида ҳангома қилиб қолдик. У кўп балоларни гапирди. Шундан, олам гўзаллиги ошладан бошланади, деган гапи эсимда қолди. Лекин зўр гапни айтди. Ўтган машойиқларнинг энг зўри ҳам бизнинг шу давримизгә мослаб шундай гапни айта билмаган. Шуниси қизиқки, бу гапга у кишининг ўзлари амал қилмайдилар. Домланинг айтганини қил, қилганини қилма деган гап ҳақ рост экан. Бўлмаса, хотини кун бўлмаса ҳам кун аро

бизникидан ҳали сабзи, ҳали пиёз дегандай арзимас нарсаларни сўраб чиқмаган, гоҳо ўзлари ҳам пулдан бироз қарз қилиб турсинлар, демаган бўларди. Ҳалиги дўхтирнинг ҳам, қачон қарасанг, у жағи бу жағига қапишиб юрадиган Мадаминжон исмли муаллимнинг ҳам, ҳозирда айтиб ўтилган газитчи қўшнимнинг ҳам оладиган маошлари меникидан кўп бўлса кўп. Каммас. Бунинг устига биласиз кеннойингиз уларнинг хотинларига ўхшаб ишламайди. Ишлатмаймиз ҳам. Югуриб-елиб топганимизнинг ҳисоб-китобини қилиб, келган-кетган меҳмонларни мансабига, мартабасига қараб кузатиб турса бас. Энди яна ўша бояги, олам ободлиги оиладан бошланади, деган доно гапга қайтай.

Ўзингиздан қолар гап йўқ. Ҳозирги вақтда толиқмай-зориқмай яшайман деган киши ё савдо системасида ишлаши, ё савдогарчилик қилиши, жуда бўлмаса отарчилик билан шуғулланиши керак. Ана шундагина бири-икки бўлиб, елкасига кун тегади. Одамга ўхшаб кўча-кўйда тана-тўшини ёзиб юради. Беш кунлик дунёнинг айшини, ишратини сура билмаган одамларни нималарга ўхшатса бўлади! Қайси бир ёзувчи қайси бир китобини умр бўйи ёзган экан. Қаранг, дунёда нима кўп — нодон кишилар кўп. Бу гапларим учун у кунни Орзиқулми, Назирқулми, (номи аниқ эсимда йўқ) деган йигитлар мендан роса кулишди. Мен эса уларнинг роса анқов йигит эканликларидан кулдим.

Мен сал ўтлаб кетгандай бўлдим. Муддога ўтай. Ҳали ҳам ўша ўзингиз кўрган кичик бир коллективнинг катта бошлиғиман. Кўп бўлмаса ҳам энли — энсиз, узун-қисқа беш-олти кишилар хизматимда, биласиз, савдо базасида ишладим деган сўз, хазинада ишладим, деган сўз. Оладиган ойлигим нари борса юз сўмдан ошмайди. Ҳар кунни кам деганда юзлаб киши билан муомала қиламан. Бири у деб келса, бири бу деб келади. Бири қош бўлса, бири кўз. Ҳожатини чиқазмасангиз бўлмайди. Ҳар қайсидан бир сўмдан қолганда бир куннинг ўзида палон сўм. Бу ҳали — енг учиди битадиган ишларнинг ўндан бири. Шундай бўлганидан сўнг тома-тома кўл бўлмай, чўл бўлармиди? Тавба. Одамлар шунда ҳам ўз ҳолинига қўйишмайди. Яқинда маҳалламиздаги чойхонада оғзига кучи етмаган қай бир қурумсоқ:

— Қулниёз Қулниёз эмас Пулниёз. У фақат одамлардан олиш учун, юлиш учун туғилган. Қўтонни нима бўлғайди? Ширроқи улоқ бўлғайди. Бундай одамларнинг бири эндиги кунда бир маҳалла, бир гузар эмас, бир шаҳарга кўплик қилади. Бундай кишиларда уят нима қилсин, ор нима қилсин, — деган гапни айтибди. Унинг гапи учун одамлар ундан кулмай, мендан кулишибди. Ҳалиги ножининг гапини қўллаб-қувватлашибди. Шундан бери ишлар сал юришмагандай бўлиб, ОБХССлашиб, органлашиб турибди. Тунлари

алаҳсиб чиқаман. Юриш-туришимда ҳаловат йўқ. Яхши ниятлар билан йиққанларим, йиғинганларим ёмон кунларимга ҳам ярамай қолмаса бўлгани. Кўпнинг назаридан қолгандайман. Ҳозиргача мен кўпдан, қўни-қўшнилардан кулиб келдим. Энди улар менинг устимдан бирваракайига кулади, шекилли.

Сиздан эндиги илтимосим шу:

Шу кечаю кундузда бизникига бир қўноқлайдиган бўлиб келсангиз. Зора-мора шу билан лойқаланай-лойқаланай деб турган сувлар тиниб қолса. Нимаики хизмат бўлса биздан. Уғил-уйлантисиз. Қиз чиқарарсиз. Иморат соларсиз. Курорт-пуротларга борарсиз. Топқир эдим. Топталиб қолмай.

Айтгандай, ҳали мен кўп гапларни бу хатга тиркаб ўтирмадим. Нишон Зокиров, Усмон Худойқуловга ўхшаш ҳамкасбларимнинг бошига тушган кунларни кўргиликларни бирма-бир ёзиб ўтирмадим. Барибир хат-хатда. Бу гапларнинг ҳаммасини ёзиб бўладими. Худо кўрсатмасин бир фалокат бўлиб бу хат бирон кишининг қўлига тушиб қолгудай бўлса биргина ўзимнинг кўзимни ўзим эмас, кўпчилик даврадошларимнинг кўзини чўқиган бўламан. Яхшиси бу гапларни, бу сирларни келганингизда бафуржа гапириб берарман.

Шу кунларда юришим назоратда. Шунинг учун мазкур махфий хатни ишончли укамиз Бердимуроддан бериб юбормоқдаман.

\* \* \*

Қулниёзнинг «Суянса суянадаган султони»га махфий мактубнинг айнан етгани ҳам рост. Бироқ Қулниёзнинг суянса суянадиган султони» бу мактубни «Муштум» томонга қараб йўллаб юборгани ҳам рост.

## ГАПДАН ГАП...

Нобоп создан, сеҳрсиз нағмасоздан алҳазар.

— о —

Тиланчиликдан тилёғмачилик хунук.

— о —

Ўз исми-шаърифини тўғри ёзолмайдиган баъзи одамларнинг дағдағаси тошни ёради.

— о —

Баъзи танқидчилар мол бозоридаги даллолга ўхшайди...

— о —

Мажлис — маъракаларда тўрда ўтиришни, нутқ сўзлашни мартаба биладиган кишиларга амал тегиб қолгудай бўлса пешонангдан кўр.

— о —

Мансабпарастнинг ўзидан кўра югурдаклари хатарли...

— о —

Эплик эгизини еса, сеплик семизини ебди.

— о —

Нафси бузуқ бадном, нияти бузуқ — беомон.  
Теватга суяк ташлагандан сўнг ўз ҳолига қўй: қандай ғажиса шундай ғажисин.

— о —

Амалнинг кетидан қувиб, бошқа ёқларда санқиб юрувчи Во-  
раҳматулло исмли йигитга ишора қилиб афсунсоз дебди:  
— Бизга бир бойтеват битган, ука, Ялоқни уйда ялаб бошқа кўчага  
бориб ҳуради.

— о —

Киссавурдан нафси бузуқ кассир хатарли: киссавур бирнинг  
киссасига қўл солса, кассир кўпнинг киссасига қўл солади.

— о —

Кафангадо бўлсанг бўлу, ватангадо бўлма.

— о —

Хийланинг натижаси ёмонлик билан, хиёнатнинг оқибати бе-  
омонлик билан тугашига шак келтириб бўладими?

— о —

Меҳру муҳаббатсиз: ҳамият, оқибатсиз жой икки бошли илон-  
дан совуқ.

— о —

Думалоқ хат ёзувчининг кўчасидан ўтгулик қилма.

— о —

Қўшнинг кўр бўлса бўлсину, нонкўр бўлмасин.

— о —

Юзида қизили йўқнинг муроди, манзили йўқ.

— о —

Тўрт оёқли тўнғиздан икки оёқли фирибгар хатарли.

— о —

Номарддан нажот — итдан ҳожат.



## МУШМАС

Бошлигингиз бўлар — бўлмасга дағдаға қилгудай бўлса, Сиз унинг истиқболидан жилмасликка ҳаракат қилинг.

— о —

Раҳбар — раҳбар. У иззат — нафсингизни паймол қилгудай бўлса, Сиз унинг насл — насабини мадҳ этишга тутунинг. Кам бўлмайсиз.

— о —

Биров бор: аравани қуруқ олиб қочади. Бировлар бор: торозининг қайси палласи оғир бўлса, шу томонга қараб ташлайди. Бундай кишилардан ҳеч қачон айрилмасликка ҳаракат қилинг. Камол топасиз.

— о —

Кези келганда ўз ота-онасини ҳам танимай кетадиган кимсалардан йироқдан-йироқ юриш — одатдан ҳам эмас, одобдан ҳам эмас.

— о —

«Муштум»ни, муштумчиларни кўриб тескари қарайдиган кишилардан «шубҳаланмаслик» керак.

— о —

Коллективингиз Сиздан розими, норозими — бунинг сиз учун аҳамияти йўқ. Сизнинг учун энг қимматлиси — амалдан айрилмаслик.

— о —

Кимсан, эндиги кунда район аҳамиятига эга бўлган шоирсиз. Сизни шоирликдан кўра унинг шуҳрати қизиқтиради. Бу шуҳратни қўлдан бой бермаслик учун Сиз шеър ёзиш эмас,

Тракторчи тракторни тириллатир,  
Тириллатиб эгатларда зириллатир.

Кўпдан бери кўрмаганмиз бундай эрни  
Иш унумин кундан — кунга қойиллатир.

қабелидаги дабдабали сатрларни маърака — маросимларда қойил қилиб ўқишни машқ қилаверинг. Кўтарилиб кетасиз...

— о —

Одам ҳам, ота-она ҳам топилади, амал топилмайди.

— о —

Ёлғон — яшиқ, тилёғламачилик турган жойда ростгўйлик қила кўрманг. Хор бўласиз.

— о —

Аҳмоқ бўлиш учун ақлли бўлиш шарт эмас.

— о —

Туллаклик билан тирикчилик ўтказганга нима етсин.

## МУНДАРИЖА

Сен сўрама, мен айтмай . . . . .	3
Оқпадар . . . . .	4
Алҳазар . . . . .	6
Ҳиммат сиздан, қўшиқ биздан . . . . .	7
Йўлиқдим . . . . .	8
Ичдим армоним қолмади . . . . .	8
Ташладим . . . . .	10
Ойкумиш . . . . .	12
Палақмон . . . . .	13
Бола туғдим боши йўқ . . . . .	18
Тўғаноқ . . . . .	19
Олтин қафас . . . . .	22
Топқир эдим — топталиб қолмай . . . . .	27
Гапдан гап . . . . .	31
Мушмас . . . . .	33

БИБЛИОТЕКА ЖУРНАЛА «МУШТУМ»

На узбекском языке

Тура Сулайман

ОБОЙДИ МЕНЯ ЗЛО

(Сатирические стихи и рассказы)

Издательства ЦК Компартии Узбекистана  
Ташкент—1976 г.

Редактор — З. Обидов  
Рассом — А. Холиқов  
Техредактор — Г. Ломиворотова  
Корректор — Т. Аъламов.

Теришга берилди 21/IV-1976 й. Босишга рухсат этилди 8/X-1976 й.  
Қоғоз формати 84×108<sup>1</sup>/<sub>32</sub>. Босма листи 1,125. Шартли босма листи 1,89. Нашриёт ҳисоб листи 1,74. Р—03617. Тиражи 22800.  
Буюртма 724. Баҳоси 9 тийин.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил  
Байроқ орденли босмаҳонаси. Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26.